## Талаба алмашинув маълумотларини бошқариш

### Талаба алмашинув маълумотларини шакллантириш

Талаба алмашинув маълумотларини шакллантириш тизимнинг **Talabalar/ Talaba almashinuv** менюси орқали амалга оширилади (1-расм)




1-расм. Талаба алмашинув маълумотини яратиш

Талаба алмашинув маълумотларини яратиш учун **+Yaratish** тугмасини танланг. Натижада маълумотларни шакллантириш ойнаси пайдо бўлади (2-расм). Талаба алмашинув маълумотларини қуйидагича шакллантиринг:

- **O‘quv yili** майдонидан ўқув йилини танланг;
- **Almashinuv turi** майдонидан талаба алмашинув турини танланг. Бунда талаба талаба алмашинув дастури бўйича бошқа давлатга кетса ушбу майдондан **Ketgan talaba** турини танланг ёки  бошқа давлатдан келса **Kelgan talaba** таълим шаклин танланг;
- **Davlat** майдонидан талабанинг кетган ёки келган давлатини танланг;
- **Ta’lim turi** майдонидан талаба турини танланг, бунда мос равищдв **bakalavr, magistr, ordinatura, doktorantura Phd, doktorantura DSc** каби турини танланг;
- **To‘liq ismi** майдонига  талабанинг фамилия, исми ва шарифини киритинг;
- **Almashinuv hujjat**i майдонига алмашув хужжат маълумотларини киритинг;
- **Mutaxassislik nomi** майдонига мутахассисликни киритинг;

Талаба алмашинув маълумотлари киритилгандан сўнг **Saqlash** тугмаси босилади. Натижада талаба алмашинув маълумотлари шаклланади (2-расм).




2-расм. Талаба алмашинув маълумотларини шакллантириш

Талаба алмашинуви бўйича талабалар рўйхатини кўриш учун тизимнинг **Talabalar/ Talaba almashinuv** менюсини танланг. Натижада талабалар рўйхати очилади (3-расм).




3-расм. Талабалар рўйхати

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида талаба алмашинуви дастурлари бўйича бошқа талабалар ҳам шакллантириб олинади.

## Талаба алмашинув маълумотларини таҳрирлаш

Талаба алмашинув маълумотларини таҳрирлаш таҳрирлаш учун тизимнинг **Talabalar/ Talaba almashinuv** менюсига кирилади. Натижада талабалар рўйхати очилади (3-расм). Рўйхатдан бирор талаба танланса талаба алмашинув маълумотларини таҳрирлаш ойнаси очилади (2-расм). Ушбу ойнадан бирор бир ўзгаришни амалга оширинг ва **Saqlash** тугмасини босинг.

## Талаба алмашинув маълумотларини ўчириш

Талаба алмашинув маълумотларини ўчириш учун талабалар рўйхатидан бирор талаба танланади ва таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмасини танланади (2-расм).